**Ушбу сонда:**

2 **ФЕРМЕР ВА БАНК: КРЕДИТ БЕРАЁТГАН ФОЙДА**

3 **ШАРТНОМА ТУЗИШ**

4 **"ЎЗИНГИЗНИ ҲУРМАТ ҚИЛАСИЗМИ?"**

**АРОСАТДАГИ МЕҲР**

**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.**

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 14-МОДДА

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 17 (423)
2005 йил 17 май
сешанба

Сотувда эркин нархда

## Ислом КАРИМОВ:

# БИЗНИ ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар муносабати билан 14 май куни Тошкентда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.***

Давлатимиз раҳбари 13 май куни Андижон шаҳрида юз берган фожиали воқеаларга тўхталар экан, уни амалга оширганлар Қирғизистонда кейинги ойларда рўй берган воқеаларни такрорлашга урингани яққол кўзга ташланади, дея таъкидлади.

Бирон-бир давлат ҳудудидаги нотинч вазият, қарама-қаршилик, узоқ давом этадиган можаро фақат шу мамлакат ҳудудида қолиб кетмайди, деди Ислом Каримов. Аксинча, эртами-кечми, қўшни давлатларга ҳам ёйилиши мумкин.

Фарғона водийсида, хусусан, Андижон вилоятида пайт пойлаб юрган ақидапараст, экстремистик гуруҳлар ўзларининг узоқ вақтдан бери пинҳона тайёрлаб келган режаларини амалга оширишга уринди. Улар Қирғизистондаги каби Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият заифлик қилади, деган хомхаёлга борган эди. Жангарилар онги заҳарланган ёшларни ўзларига эргаштириб, маъмурий биноларни эгаллаш йўли билан ўз қабиҳ мақсадига эришишни хаёл қилган эди. Андижонда халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдаришни, бу ерда мусулмон халифалиги тузишни мўлжаллаган эди. Боз устига, режаларимизни маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлайди, деб ўйлаган. Лекин уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламади, ҳеч ким майдонга чиқмади.

Жангарилар орасида қўшни давлатлардан суқилиб кирганлар ҳам бор эди. Четдан ёрдам ва маблағ олмасдан бу гуруҳлар ҳеч қачон чуқур тайёргарлик кўриши ҳамда бундай воқеани ташкил қилиши мумкин эмасди. Бундай дейишга барча асосларимиз бор, деди Президент.

Шу йилнинг 24 мартида Қирғизистонда юз берган "қизғалдоқ инқилоб" деб аталаётган воқеалар атрофидаги барча гап-сўзлар, аслида, уларни Тбилиси ва Киевда рўй берган маълум сиёсий воқеалар билан тенглаштиришга чиранишдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, бу мамлакатларнинг ҳар бирида юз берган воқеаларнинг аниқ сабаблари ва ўзига хос жиҳатлари мавжуд эди. Шундай экан, ушбу мамлакатларда рўй берган воқеаларни, айниқса, Қирғизистон воқеалари муносабати билан уларни бир-бирига боғлашга уринаётганлар шуни унутмаслиги керакки, бундай вазият ва сценарийдан ўзининг разил манфаатлари йўлида фойдаланиб қолувчилар кўплаб топилади.

Айрим давлатларнинг Марказий Осиё минтақасига демократияни мажбуран ўрнатишга уринишидан учинчи куч фойдаланиб қолиши мумкин, — деб огоҳлантирди Ислом Каримов. — Бу куч — ислом динини ниқоб қилиб олган ёвуз ниятли радикал оқимлардир.

Аҳолисининг қарийб 80 фоизи мусулмонлардан иборат минтақамизда юқоридаги каби вазият турли диний ақидапарастлар ва экстремистик кучлар учун қўл келиши мумкин.

Кейинги йилларда Афғонистонда амалга оширилган аксилтеррор операцияси натижасида радикал диний гуруҳлар, турли халифаликлар тарафдорлари қақшатқич зарбага учраган бўлишига қарамай, бу ёвуз кучлар Марказий Осиё минтақасида ўз таъсирини қайта тиклашга уринишдан, ўзининг разил мақсадларига эришиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишдан ҳамон умид узгани йўқ.

Бу ёвуз кучлар, биринчи навбатда, Афғонистонда кечаётган ижобий жараёнларни йўққа чиқаришга, минтақамиздаги мустақил давлатларда конституциявий тузумни ағдаришга, бу мамлакатларни дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринмоқда. Бу фикрларни исботловчи факт ва маълумотлар бизда етарли. Шу боис Қирғизистонда сўнгги ойларда рўй берган воқеалардан қандайдир инқилобий ранг ва маъно излаётганлар 2005 йил 24 март воқеалари бошқача оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмасликлари даркор. Радикал диний оқимлар, жумладан, "Ҳизбут-таҳрир" ёки Андижонда ўзини "Акромийлар" деб атайдиган гуруҳлар ҳам фурсати келганда воқеалар оқимини ўз манфаатлари йўлига буриб юбориш учун пайт пойлаб тургани сир эмас.

Андижонда содир бўлган воқеаларга камида 3-6 ой давомида тайёргарлик кўрилган. Бундай дейиш учун барча асосларимиз бор, деди Президентимиз. Воқеалар режасини тузиш ва уни амалга оширишда минтақамизда, айниқса, Қирғизистон жанубида илдиз отган турли диний-экстремистик марказларнинг бевосита иштироки бор. Бу ишларда чет элнинг моддий кўмаги борлиги ҳам кўриниб турибди.

Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланувчи баъзи бир хорижий ташкилотлар ва демократия масаласида анча илгарилаб кетган айрим давлатлар Ўзбекистонда "Ҳизбут-таҳрир" мисолида ўз мақсадларига тинч йўл билан эришишни кўзлаган бегуноҳ мўмин-мусулмонлар таъқиб этилмоқда, деб ҳамон "кўз ёши тўкмоқда". Андижонда рўй берган фожиали воқеалар эса улар ҳимоя қилаётган ўша "қўй оғзидан чўп олмаган" кимсаларнинг ҳақиқий, айтиш мумкинки, ваҳшиёна башарасини фош этди.

Шундан кейин Президент Андижонда 13 май куни содир бўлган воқеалар тафсилотига тўхталди. Олдиндан пухта тайёргарлик кўрган қуролланган жангарилар ярим тунда шаҳардаги пост-патруль хизмати батальони ҳудудига бостириб кириб, тўрт нафар навбатчини отиб ташлайди. Ўнлаб автомат, граната, иккита қўл пулемёти ва бошқа қурол-яроғни қўлга киритган босқинчилар тунги соат чамаси 1.30 да Мудофаа вазирлигининг 34-бригадаси ҳарбий қисми томон йўл олади. Бу ерда ҳам навбатчини отиб ташлаб, қўшимча қурол-аслаҳани қўлга киритади. "Зил-130" юк машинаси ёрдамида қамоқхона дарвозасини бузиб киради, қурол билан қўрқитиш орқали ҳибсхоналардан қарийб 600 нафар маҳбусни чиқариб юборади.

Босқинчилар тинч аҳолига тегишли енгил машиналарни эгаллаб олади, қуроллардан ўқ отган ҳолда вилоят ҳокимлиги, Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси биноларига ҳужум уюштиради. Улар вилоят ҳокимлиги биносини эгаллайди, аммо босқинчиларнинг кейинги объектларни босиб олиш йўлидаги уринишлари бартараф этилади. Жангарилар ҳар бир ҳаракатини аёллар, болалар, қариялар ва бошқа гаровга олинган кишилар панасида туриб амалга оширади.

Мамлакатимиз Президенти шу куни эрта тонгдаёқ Андижонга етиб борди. Шаҳар ва вилоят жамоатчилиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари билан учрашди. Улар билан маслаҳатлашган ҳолда вазиятни изга солиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилади.

Жангарилар билан музокаралар деярли кун бўйи давом этди.

Уларга қарши ҳеч қандай куч ва қурол ишлатилмаслиги тўғрисида кафолат берилишига қарамасдан, босқинчилар муросага келишдан бош тортди. Аксинча, куракда турмайдиган турли талаблар, жумладан, суд томонидан қонуний равишда озодликдан маҳрум этилган барча раҳнамолари ва маслакдошларини қамоқдан чиқариш талабини қўйди.

Террорчиларнинг бу каби сиёсий талабларини бажариш дунёнинг бирон-бир давлати тажрибасида кузатилмаган.

Уларнинг ҳар қандай талаб ва эътирозлари қонун доирасида ўрганилиши ҳамда одилона ҳал этилиши билдирилди.

Шундан сўнг жангариларга яна икки соат муҳлат берилди. Кун давомида уларга қарата ўқ узилишига йўл қўйилмади. Музокаралар натижа бермагач, вилоят ҳокимлиги биносини қуршаб олишга киришилди.

Ҳеч нарсага эриша олмаслигига кўзи етган жангарилар кечга томон бир неча гуруҳга бўлиниб, қочишга уринди. Бунда улар гаровга олинганлардан ўзига қалқон сифатида фойдаланди. Улар олдиндан тайёрлаб қўйилган жойларга яшириниши ёхуд қўшни Қирғизистон ҳудудига ўтиб кетишга уриниши эҳтимолдан холи эмас.

Муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган, ўзини мўмин-мусулмон ва фақат диний эътиқод эркинлиги ҳимоячиси қилиб кўрсатадиган, аслида эса охиратини ҳам ўйламайдиган қабиҳ кимсаларнинг асл башараси қандай эканига яна бир бор амин бўлдик, деди Президентимиз.

Минг афсуски, ушбу фожиали воқеалар туфайли мутлақо бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Шу билан бирга, ўзларининг ақидапараст доҳийлари ҳамда хориждаги раҳнамо ва ҳомийлари топшириғини бажарган кимсалар томонидан алданган ва йўлдан урилганлар ҳам нобуд бўлди.

Бу воқеалар ҳар биримизни теран мушоҳада юритишга ундайди.

Бунда фуқароларимизда демократик тафаккур тарзини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш айниқса муҳимдир. Зеро, демократик тафаккур — жамиятни ҳар қандай диний ақидапарастлик оғуси таъсиридан фориғ этишга қодир.

Мамлакатимиз, халқимиз истиқлолнинг илк кунларида белгилаб олган олий маслагимиз — ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораверади, деди Юртбошимиз пировардида. Жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш — бош мақсадимиздир. Эркин, демократик фуқаролик жамияти талабларига тўлиқ жавоб берадиган юксак тараққиётга эришиш йўлидан бизни ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

**(ЎзА).**

# ИНСОНИЙЛИККА НОМУНОСИБ ҲАРАКАТ

Мустақиллигимизнинг ўтган ҳар йили биз учун оғир синовлар ва имтиҳонлардан иборат бўлди. Биз кўп қувончлар, ютуқлар ва байрам шодиёналари билан бирга, ногаҳоний хуруж ва тажовузларни, йўқотиш қайғусини ўз юрагимиздан ўтказдик.

Шу маънода, Андижон воқеалари ҳар қандай кишини жиддий ўйга толдиради. Ўзларини акромийлар деб атаган тоифа наҳотки даъвоси ва қилиб юрган қилмиши XXI аср кишисига, хусусан, исломнинг иккинчи Ватани ҳисобланмиш Ўзбекистон фарзандларига муносиб деб ўйлайди?!

Нега улар одамларнинг дилига озор етадиган, эл-юртнинг тинчини бузадиган қилмишдан ўзларини тия олмайди?

Назаримда, улар дунёнинг ишларидан сабоқ чиқаришга ожиз. Улар дунё тараққиётининг қандай йўлидан бораётганини англамайди. Шу боис ўзларига ортиқча баҳо беради.

Бунинг яна бир сабаби, давлатимиз раҳбари матбуот анжуманида уқтирганни каби, **бирон-бир давлат ҳудудидаги нотинч вазият, қарама-қаршилик, узоқ давом этаётган можоролар ҳеч қачон фақат шу мамлакат чегарасида сақланиб қолмайди. Аксинча, у қўшни давлатларга тарқалиб кетади.**

Ўз вақтида Афғонистонда ҳукм сурган йигирма йиллик уруш қўшни мамлакатларга қандай салбий таъсир кўрсатгани барчага маълум, албатта. У бутун бир минтақа ҳаётига таҳдид солиб турди.

Аксилтеррор ҳаракатидан сўнг, ниҳоят, бу мамлакат ҳаёти изга туша бошлади. Аммо қўшни Қирғизистон Республикасида юзага келган нотинчлик ва можаролар яна турли хил кучларни ҳаракатга келтирди, ақидапараст экстремистлар, Ўзбекистонда ҳам шундай ишларни амалга ошириш мумкин, деб ўйлаб, мудҳиш тажовуз содир этишди.

Эл-юрт тинчлигини ҳимоя қилиб турган аскар йигитларни ўлдириб, қуролланган ҳолда ҳокимият биносини ишғол этиш, хўш, нимани англатади?

Бундай хатти-ҳаракат мусулмончиликка ҳам, инсонийликка ҳам тўғри келмайди-ку!

Шунинг учун ҳам андижонликлар бу тўданинг қора ишларини маъқулламади.

Зеро, кейинги ўн беш йил тинчлик ва барқарорлик устувор бўлган мамлакатда қут-барака, файз-тароват, тараққиёт ва юксалиш бўлишини амалда кўрсатди. Истиқлол даврида, Андижоннинг ўзида бўлган беқиёс ўзгаришлар, бу заминдан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткирбек Ҳайдаров сингари олимпиада ва жаҳон чемпионлари етишиб чиққани мана шунинг амалий ифодасидир.

Бугун ғоятда сертармоқ ҳисобланган Асака автомобил заводи наинки Андижоннинг, балки юртимизнинг шарафига айланди. Чунки бу ерда ишлаб чиқилаётган автомобиллар ўзимизда ҳам, хорижий элларда ҳам муносиб қадр-қимматга эга.

Бу корхона тинчлик ва бунёдкорлик меваси эмасми, ахир!

Биз бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Кишиларимиз ўзидан яхши ном ва яхши из қолдиришни хоҳлайди. Фарзандлари яхши инсонлар бўлиб вояга етишини, уларнинг бахту саодатини кўришни истайди. Шунинг учун ҳам юрт тинчлигини ғоятда қадрлайди ва Президентимиз атрофида ҳамжиҳат бўлиб, Андижон воқеаларига таассуф қилади. Чунки юзимизни ерга қаратган бундай аянчли воқеалар бизнинг халқимизга, шаънимизга асло ярашмайди.

**Дўстмурод ХОЛИҚУЛОВ,**
**Навоий шаҳри**

# ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯНА ИЗГА ТУШДИ

**АНДИЖОН. (ЎзА мухбири С.ШУКУРОВ).** Бу ерда 13 май куни содир бўлган воқеалардан кейинги вазият барқарорлашди. Шаҳарда тинч-осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда. Барча корхона ва муассасалар, аэропорт, вокзал, автовокзал, электр станцияси, телефон тармоқлари, шунингдек, чойхоналар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, бозорлар одатдаги тартибда ишлаяпти. Бўлиб ўтган воқеалар маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида чуқур таҳлил этилиб, холис баҳоланмоқда.

- Шаҳримизда юз берган воқеалардан жуда таассуфдамиз, - дейди «Бирлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фотима Солиева. - Бир тўда нобакорлар тинч ҳаётимизга рахна солишга уринди. Президентимиз Ислом Каримов шундай оғир дамларда биз, андижонликларни ёлғизлатиб қўймадилар. Ўша мудҳиш куннинг тонг саҳариданоқ бу ерга келиб, бизга далда бўлдилар. Шаҳар ва вилоят жамоатчилиги, маҳаллалар оқсоқоллари билан бамаслаҳат иш кўрдилар. Юртбошимизнинг ана шу жонкуярлиги, матонати, қатъияти туфайли бугун Андижонда вазият, тинч турмуш яна изга тушди.

- Она шаҳримда фожеали воқеалар содир бўлган пайтда мен хорижда нуфузли мусобақада иштирок этиш арафасида эдим, - дейди таниқли боксчимиз Руслан Чагаев. - Шу синов кунларида ҳамшаҳарларим орасида бўлишни ҳар қандай ғалаба сururидан афзал ва муҳимроқ деб билдим. Бу фожеаларнинг сабабчилари бўлган бир тўда жангарилар билан ҳамшаҳар эканимдан ор қиламан. Уларга қарата: мард бўлсанг бузғунчиликни эмас, яхшиликка эш бўлишни, эл-юртнинг корига ярашни ўйла, дейман.

# ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРАЙЛИК!

Андижон шаҳрида рўй берган қонли воқеалар халқимизни саросимага солиб қўйгани йўқ. Аксинча, одамлар ҳамма жойда тинчлик ва осойиташликка раҳна солмоқчи бўлган жиноятчи тўдаларни қоралаб гапирганига гувоҳ бўлдим.

Мен кўпни кўрган бир киши сифатида Президентимизнинг журналистлар билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида куюниб айтган сўзларини юрагим эзилиб тингладим. Давлатимиз раҳбари Андижонда рўй берган воқеаларни холис баён этиб берди.

Юртбошимиз шундай оғир бир вазиятда ҳам вазминлик билан узоқни кўзлаб иш юритгани, қон тўкилишининг олдини олишга ҳаракат қилиб, ўша жиноятчи тўдани ҳам қайта-қайта инсофга чақиргани менга қаттиқ таъсир қилди.

Айниқса, Президентимизнинг Андижондаги нотинчлик бартараф этилгандан сўнг, бу бизнинг фожеамиз, деб айтган фикри халқимиз, миллатимиз шаънини ўз шаъни деб биладиган ҳар қандай ор-номусли кишининг юрагини ларзага солади.

Агар чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсак, бу фикрнинг замирида аччиқ ҳақиқат бор. Нега деганда, халқимизга қўл кўтарган, тинчлигимизни бузмоқчи бўлган бу экспертлар ҳам шу юртнинг тузини ичган, лекин...

- Кишида алам уйғотадиган томони — бу жангарилар ҳеч тап тортмай аскар бўлмасига бостириб кирган ва уларнинг ҳаётига тажовуз қилган. Ахир, бу аскар йигитлар сизу бизнинг фарзандларимиз. Улар элимизнинг, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилмоқда. Бу жиноий тўда ана шу фарзандларимиз ҳаётига тажовуз қилиши халқимизга қўл кўтарганини англатади.

Ёши бир жойга борган одам сифатида шунга иймоним комилки, бу дунёда ҳар ким ниятига қараб насибасини олади. Андижонда бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган жиноий тўда ҳам қилишига яраша жазосини олиши муқаррар.

Андижонда рўй берган воқеалардан ҳар биримиз тўғри хулоса чиқариб олишимиз керак. Энг асосийси, огоҳлик амалий ишимизга айлансин.

**Баҳриддин ЭРГАШЕВ,**
**Бўка тумани**

**Zamonamiz qahramonlari**

# МЕҲНАТИДАН РОЗИ ОДАМЛАР

***Раҳимжон Ёқубов Поп туманида яшайди. Унинг суяги меҳнатда қотган. Ер билан юракдан тиллашади, умуман айтганда, деҳқончиликнинг сир-асрорини яхши билади. Энг асосийси, ерсиз ўз ҳаётини тасаввур қила олмайди. Шу боис Раҳимжон ота истиқлолимизнинг дастлабки йилларида янги ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжаликлари, уларнинг афзалликлари ҳақида эшитди-ю, тинчини йўқотди. Ҳақиқий деҳқон фарзанди эмасми, соҳанинг бу янгилигига ҳавас билан қаради. Ўзи ҳам шундай хўжалик ташкил этишга аҳд қилиб, дарҳол фарзандларини ёнига чорлади. "Меҳнат қилган инсон камлик кўрган эмас. Аксинча, дастурхони тўкин, эл олдида юзи ёруғ бўлади", дея муддаосини тушунтирди у.***

Бу таклиф оила аъзоларига бирдек маъқул тушди. Шундан сўнг Р.Ёқубов чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Мутасаддилар ҳам бу ташаббусга хайрихоҳлик билдиришди ва 1995 йили "Раҳимжон" фермер хўжалиги ташкил қилиниб, унга 14,5 гектар ер ажратиб берилди. Раҳимжон ота янги хўжаликни бошқаришни ўғли Баҳодирга топширди. Асосан сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур хўжаликда бугун 56 бош қорамол парваришланмоқда. Уларнинг 21 боши соғин сигирлар бўлиб, бир ойда 1485 литр сут соғиб олиниб, туман марказий шифохонасининг маҳсулотга бўлган эҳтиёжи қондирилаяпти. Ҳозир чорва озуқаси учун 5 гектар ерга беда, 2 гектар ерга буғдой, 7,5 гектар майдонга маккажўхори экилган. Хўжаликнинг йиллик даромади 6-6,5 миллион сўмга тенг бўлаяпди.

Фидокорона қилинган меҳнат шу тариқа ўз самарасини бера бошлади. Манфаатдорликнинг ошгани Ёқубовларнинг галдаги "Аҳмаджон Ёқубов" фермер хўжалиги ташкил этишига туртки бўлди. Туман ҳокимлигининг 1998 йил 17 декабрдаги қарорига биноан ташкил топган ушбу хўжаликка дастлаб 34 гектар ер ажратиб берилганди. Хўжаликка оиланинг яна бир аъзоси Ҳусанбой Ёқубов раҳбарлик қилади.

Илк қишлоқ хўжалик йилида фермер 19 гектар майдонга пахта, 15 гектарга ғалла экди. Пахтадан 31 центнер ўрнига 33,6 центнер, ғалладан эса 40 центнер ўрнига 60 центнер ҳосил олиниб, йил 14.800.000 сўмлик даромад билан якунланди. Келгуси 2000 йилда эса бу кўрсаткич 16.324.000 сўмни ташкил этди. Фермер бу даромадлари ҳисобидан "Т-28" ва "МТЗ-80" русумли чопиқ ва юк ташиш тракторлари харид қилди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

***Яқинда тилимизга давлат тили мақоми берилганига ҳам ўн беш йил тўлади. Тўғриси, ўтган йиллар мобайнида ҳукуматимиз томонидан она тилимизни том маънодаги давлат тилига айлантириш учун кўпдан-кўп маблағ сарфланиб, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Буни ҳаммамиз билиб, кўриб турибмиз. Лекин ҳамон айрим камчиликлар учрайдики, бехосдан "ҳай аттанг", деб юборганингни билмай қоласан киши. Мен бу ўринда ҳар бир инсоннинг ўзигагина боғлиқ бўлган бошқа бир ҳолат ҳақида фикр юритмоқчиман.***

Muhokama uchun mavzu

# "ЎЗИНГИЗНИ ҲУРМАТ ҚИЛАСИЗМИ?"

Албатта, бу ҳақда ҳар кимнинг ўз қарашлари бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам газетхонлар менинг ушбу сўзларимни мулоҳаза сифатида қабул қилади, деган умиддаман.

Бундан анча илгари, олий ўқув юртида таълим олиб юрган пайтларимда имконим борича барча газета-журналларни олиб ўқишга ҳаракат қилардим. Лекин айрим пайтларда жуда мукаммал ёзилган мақолаларнинг остидаги "Атаджанов", "Арифходжаев", "Джураев", "Тахтаев"... ва шунга ўхшаш бир қатор фамилияларни кўриб ҳайрон қолар, тўғрироғи, таҳририятларда фаолият юритаётган журналистларнинг эътиборсизлигидан хафа бўлардим. Ахир, ўзбек тилида "Арифходжа" деган исм йўқ, демак, "Арифходжаев" деган фамилия ҳам бўлмаслиги керак-да! Тўғри, қачонлардир Орифхўжа деган чиройли исм кимдир томонидан «Арифходжа» деб ёзилган бўлиши мумкин. Нега энди уни бугун тузатиш мумкин эмас? Балки мақола муаллифи ҳужжатини алмаштиришга эрингандир... Лекин таҳририятдагилар мақола чоп этилишида тузатиб қўйишса бўлардику, деб ўйлардим.

Тақдир тақозаси билан олий ўқув юртини тугатиб, аспирантура бўлимида таҳсил олишга киришдим. Аспирантурада ўқиш билан бир вақтда илмий журналларнинг бири билан ҳамкорлик қила бошладим. Эндигина иш бошлаган кезларимда ҳеч кимдан сўрамасдан бир қатор фамилияларни ўзбекчалаштириб чиқдим. Биринчидан, бу билан журнал таҳририяти ҳам, мақола муаллифлари ҳам давлат тилига нисбатан ҳурматларини кўрсатади, қолаверса, журнал саҳифаларида ўзларининг асл ўзбекча фамилияларини кўрган муаллифларимиз ўз ҳужжатларини ўзгартириш ҳаракатига тушиб қолади, деб ўйлаган эдим. Афсуски, кутганимнинг тескариси бўлиб чиқди. Бир неча нафар "Ходжа" ва "Джура"лар нега уларнинг паспортидаги исм-шарифлари нотўғри чоп этилгани учун норозилик билдиришди. Тўғри, мен уларга тушунтиришга ҳаракат қилдим, лекин бундан бирор-бир натижа чиқмади. Айниқса, мен талабалигимда бир қатор газета ва журналларда мақолаларини ўқиб, ғойибона ҳурмат қилиб юрадиган муаллифлардан бирининг "таҳририятга кеча келиб, бугун ақл ўргатаяпсанми? Сенда бор ақл бизда ҳам бор. Ўзингнинг ишингни қилавер", деган гаплари жуда алам қилди.

Менимча, инсон энг аввало, ўзини ҳурмат қилиши керак. Ўзини ҳурмат қилган одам эса, албатта, ўз миллатини, унинг тилини ҳам ҳурмат қилади. Ўз тилини ҳурмат қилган одам ҳеч қачон уни бузиб талаффуз қилмайди ва ёзмайди. Жумладан, ўз исмшарифингизга бўлган муносабат ҳам тилингизга бўлган ҳурматингиздан далолатдир. Шундай экан, ўзини зиёли ҳисоблаб юрган ҳар бир ватандошимиз ҳам бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриши зарур. Қолаверса, ўзбек тилида ҳар бир исм ўзига яраша маъно ва мазмун касб этади.

Ҳозирги матбуотни кузатиб борадиган газетхон бундай мисолларни хохлаганича келтириши мумкин. Хўш, шундай экан, бу сизу бизнинг ўзимизга нисбатан ҳурматсизлигимизни билдирмайдими?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

**Сурайё САЛИМОВА,**
**тадқиқотчи**

Turmush chorrahalarida

***Ҳаёт инсонларга бир марта бериладиган улуғ неъматдир. Бу неъматни қадрлай билган умр поёнига шукроналик ила етади. Ана шу инсонлар чинакамига бахтли ҳисобланади. Дарвоқе, бахтли инсон, бахтли ҳаёт... Чинакам бахтни ҳис қилиш учун инсонга унча кўп нарса керак эмас. Бунинг учун бироз мулоҳаза, халқимизга хос шарқона одоб-ахлоқ меъёрларидан баҳраманд бўлиш лозим, холос. Булар инсонга ёшлик чоғлариданоқ оилада сингдириб борилади.***

# АРОСАТДАГИ МЕҲР

Шунинг учун ҳам халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас маскан санаган. Унинг жамиятни асосий бўғини дея эътироф этилишининг боиси ҳам шунда. Кичик-кичик оилалар бирлашиб, бир бутун жамиятни ташкил этади. Шу маънода оилага тегишли бўлган муаммолар жамият эътиборидан четда қолмайди, унинг ҳуқуқ ва бурчлари қонунлар асосида ҳимоя қилинади. Инсон ҳақиқий бахтини оиладан топади, деган тушунчанинг асл моҳияти ҳам шу билан изоҳланади.

Бироқ ҳаёт ҳар доим ҳам бир хил кечавермайди. Йўллар равон бўлмагани ёки сув бир маромда тиниқ оқмагани каби инсон ҳаёти ҳам бир бир текис эмас. Унда қувончли ва қайғули, осойишта ва беором, шодон ва ғамгин кунлар бўлиши мумкин. Оиладаги эр-хотин ана шундай дамларда бир-бирига суянч, дардига малҳам, қувончига шерик бўла олсагина, ҳаёт уммонларидан масрур ўтишади. Соддагина тарзда айтадиган бўлсак, ота-боболаримиз эр-хотин қўш хўкиз бўлиб, яъни доимо ёнма-ён туриб ҳаёт ташвишларини енгиб ўтишга қиёслашган. Ҳамжиҳатликда эса ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш осон кечади. Агар эътибор берган бўлсангиз, йигит ва қиз турмуш қураётган паллада уларга никоҳ гувоҳномаси топширилаётган чоғда бир умр, яъни бемору соғлиғида, яхши-ёмон кунларида бир-бирига суянчиқ бўлиши лозимлиги қайта-қайта таъкидланади. Энг муҳими, оиланинг нечоғлик муқаддас эканини англаган кишиларгина уларнинг ўгит ва панд-насиҳатларига амал қилади. Инсон тақдирини ўйинчоқ дея билгувчилар эса шу маррага ета олмай, афсус-надоматда қолишади. Уларнинг ҳаётга бўлган енгил қарашлари туфайли оиладаги бир-бирига бўлган ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, ишонч туйғулари йўқолиб, ўртада бўшлиқ ҳосил бўлади, алал-оқибат мустаҳкам қўрғон қулаш даражасига етади.

Қушнинг ҳам ини бузилмасин, дейди доно халқимиз. Чунки бузилган индаги қушлардан ҳам кўра полапонлар оламни бузгудек бўлиб чирқиллашади. Ҳар қандай тошмеҳр кишининг юраги эзилиши табиий ўша дамларда. Инсоннинг турмуши бузилса, оиласи парокандаликка учраса, унинг ҳоли не кечади? Бу ҳолатни сўз билан тасвирлаш қийин, албатта. Баъзан биргина ўйламай босилган қадам, ноўрин айтилган бир оғиз сўз эр-хотиннинг ажралиб кетишига сабаб бўлади. Эркак ва аёл ўша дамларда бир-биридан айб қидиради, бисотидаги энг "ширин" сўзларни "ҳадя" этишади. Улар-ку шу зайлда икки томонга қараб кетиши мумкин. Аммо ўртада қолаётган бегуноҳ норасидалар-чи? Психологларнинг айтишича, журъатсиз, қатъиятсиз кишиларнинг аксарияти ота-онаси ажрашиб кетган оилада тарбия топган бўлишар экан. Шунингдек, оиласи парокандаликка учраган фарзандлар орасида жиноятга мойил кишилар кўпроқ етишиб чиқиши ҳам тажрибада исботланган.

"Олти йил аввал турмушимиз бузилган эди. Турмуш ўртоғим икки нафар фарзандимга уч йилдан буён алимент тўламаяпти. Мен бу ҳақда мутасадди жойларга ҳам мурожаат қилиб кўрдим, аммо натижа бўлмаяпти. Иккала ўғли ҳам мактабда ўқийди, мен уларнинг ҳам барча болалар сингари яхши билим олиб, келажакда юртга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб етишишини истайман. Уларнинг руҳан эзилаётганини кўриб чидаб туролмайман. Алам қиладигани шундаки, уларнинг отаси арзимас алиментни тўлай олмайдиган даражада ночор ҳам эмас. Ахир, биз ажралиб кетган бўлсак, болаларда нима айб?", — дея куйиниб ёзади Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги Юқори Мачой қишлоғида истиқомат қилувчи Кенжахол Тўрақулова.

Шу ўринда табиий мулоҳаза туғилади: оила парокандаликка учрагани оталик бурчига ҳам нуқта қўйилди дегани эмас-ку?! Ота ўзи ташлаб кетган болалари туфайли ҳам вақти келиб кимлардандир дакки эшитиб қолиши мумкин эканини ўйлаб кўрмасмикин? Юрагида заррача бўлса-да, меҳр туйғулари унинг инсонийлик бурчи, яъни ҳеч бўлмаганда, болаларига моддий жиҳатдан ёрдам бериши лозимлигини эслатиб турмайдими?!.

"Тақдир экан, уч нафар фарзандли бўлгач, эрим бошқа аёлга уйланиб кетди. Биргаликда қуриб битказган уйимизни сотиб шаҳардан бир хонали уй сотиб олган эдик. Турмушим бузилгач, бироз онамникида яшадим-да, кейин шаҳардаги уйимизга яшаш учун борсам, эрим уни бир аёлга сотиб юборибди. Уй ҳужжатлари менинг қўлимда бўла туриб, бундай ноқонуний ҳаракат содир этилгани учун судга мурожаат қилдим. Биринчи босқич суди даъвомни қаноатлантириб, мени уйга киритиб қўйиш ҳақида қарор чиқариб берди. Бироқ қарорда уйни сотиб олган аёлни уйдан чиқариб юбориш ҳақида ҳеч қандай кўрсатма бўлмагани туфайли у ҳам шу ерда яшай бошлади. Биз табиийки, торгина уйда бирга яшай олмадик. Мен яна судга мурожаат қилдим. Иккинчи марта бўлган судда уй аёлга қолдирилиб, менга эримдан 600.000 сўм ундириб бериш ҳақида қарор чиқарилди. Аммо эримга қонун ҳам таъсир қилмас экан, у эндиликда мазкур қарорни ижро этишдан бош тортаяпти. Ўрта ичида яна менга қийин бўлди. Менинг бу дардимга фарзандларимнинг ҳам шерик бўлаётганини кўриб юрак-бағрим эзилади. Уларнинг гуноҳи отаси бошқа аёлга уйланганими?" Жарқўрғон туманидаги "Қуштепа" маҳалласида яшовчи Қизлартўра Умированинг бу мактуби кишини бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, меҳр ҳеч нарса билан ўлчанмайди. Инсондаги ғурур, орномус, шаън ва қадр қиммат — буларнинг барчаси меҳрда мужассам. Дунёда ҳар қандай иш жавобсиз қолмайди. Киши ўзининг қилган яхшилиги учун мукофот олса, ёмонлиги учун жазоланади. Зеро, халқимизда "нима эксанг, шуни ўрасан" деган ҳикматли нақл бор. Бугун айрим ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан қилаётган меҳрсизликлари эртага албатта, ўзларига қайтмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Шундай экан, фарзандингиздан меҳрингизни дариғ тутманг, азиз ота-оналар!

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Charxi kajraftor

## ХИЁНАТ УЧУН ЭРКАК АЙБДОР

Малайзиянинг баъзи бир туманларида қадимий қонунлардан бирига ҳануз амал қилинади. Унга кўра аёлларнинг турмуш ўртоғига хиёнати туфайли бериладиган жазо муқаррар бўлиш билан бирга ғаройиб ҳамдир.

Жазонинг шафқатсизлиги шундаки, айбдор ҳатто қамоқ жазосига ҳам ҳукм қилиниши мумкин. Аёлнинг хиёнати, агар у биринчи марта бўлса, жазоланмайди, аксинча, уни йўлдан урган жазмани жазоланади. Иккинчи марта эса аёл хиёнати учун жазодан қочиб қутулолмайди. Агар у учинчи марта хиёнат устида қўлга тушса... эр жавобгарликка тортилади. Чунки ўзи айбдор, ким уни ҳар сафар кечирсин дебди?

## ҚАМОҚХОНАДА ЁЗИЛГАН... АСАРЛАР

Ҳаммага маълум ва машҳур бўлган "Дон Кихот" романи қамоқхонада ёзилган.

Испан ёзувчиси Мигель де Сервантесни қамалгунига қадар одамлар яхши танимаган. Ёзувчи туҳмат туфайли умрининг қарийб ўн йилдан ортиғини ҳибсхонада ўтказган. Шу ерда у ўзининг машҳур асарлари — "Нумансия", "Саккиз янги комедия ва интермедиялар" каби драмалари ҳамда "Дон Кихот" романини ёзган. Қамоқхонада ёзган асарлари ёзувчига катта шон-шуҳрат олиб келди. Шу боис ҳам у озодликка чиқаётган кунгача бутун Испанияга машҳур бўлиб кетган эди.

## ҚАРОРНИНГ ЗАРАРИ БОР...МИ?

Ўтган йили Ирландия ҳукумати жамоат жойларида чекишни таъқиқлашга қаратилган қарор қабул қилган эди. Аммо бу қарор "қош қўяман деб кўз чиқариш" билан баробар бўлди.

Қарор қабул қилинганидан кейин шаҳарлардаги тунги барларга деярли мижозлар келмай қўйишди. Натижада Ирландия шаҳарларида фаолият кўрсатиб турган ана шундай хизмат кўрсатувчи шахобчалар аста-секин молиявий инқирозга юз тутиб, белгиланган солиқ ва тўловларни ҳам адо этолмасдан қолмоқда

## "БИР ҚЎЙЛИНИНГ ИШИ..."

Саудия Арабистони фуқароси Алвалид Бин Тали эндиликда "EVRO DISNEY" компаниясининг энг мўътабар кишиларидан бири сифатида эъзозланадиган бўлди.

Гап шундаки, Франция пойтахтидаги Дисней Ленд боғларини бошқарадиган мазкур компания иқтисодий бўҳрон арафасида турган бир пайтда араб фуқароси компанияга тегишли бўлган 250 миллион евролик акцияларни сотиб олган. Унинг биргина мана шу ҳаракати боис дунёга машҳур компания муқаррар ҳалокатдан омон чиқиб олди.

Шуни айтсалар керак-да, "минг қўйлининг иши бир қўйлига тушибди" деб...

**Лутфихон АҲМЕДОВА тайёрлади.**



Ойдинликка элтувчи йўллар

Mitti maslahat

## ЎРИНДОШЛИК

### унга мувофиқ ишга қабул қилиш тартиби

Бугунги ҳаётимизда ўриндошлик бўйича ишлаш, деган гап тез-тез қулоққа чалиниб туради. Албатта, бугун ҳар бир киши ўриндошлик асосида ишлаши мумкин. Ўриндошлик бўйича фаолиятнинг қонуний асослари мавжудки, қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз.

Ўриндошликда, яъни ходим томонидан асосий ишдан ташқари меҳнат шартномаси (контракт) асосида ҳақ тўланадиган бошқа ишни бажарганда, бажарилган иш учун меҳнатга ҳақ тўланади.

Ўриндошлик билан ишлаётганларга меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш билан техник асослантирилган меъёрланган топшириқлар юклатилган, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, тугал натижалар бўйича ҳақ тўланади.

Демак, иш берувчи ўриндошлик бўйича ишлайдиган ходим билан меҳнат шартномаси тузганда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ёки ишбай тизими ҳақида келишиб олиши зарур. Ишбай тизим бўйича ходим ишга қабул қилинганда бу ҳақда буйруқ (фармойиш)да "меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда" деб кўрсатилиши керак.

«Меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари" услубий қўлланмасида ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқни қуйидаги кўринишда расмийлаштириш тавсия қилинган:

Намуна:

Ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш ________________ 200__ йил "__" ____________дан 200__ йил "__"____________**гача ўриндошлик бўйича тўлиқсиз иш куни (соат ______дан соат _____гача) ва меҳнатга ойига ______сўм маош миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаган вақтига мутаносиб равишда иш ҳақи тўлаш шарти билан ___________ (цех, бўлинма номи)га ______________ (касб, вазифа номи) вазифасига ишга қабул қилинсин.**

Асос: __________ аризаси, меҳнат шартномаси, Меҳнат кодексининг 119, 160-моддалари.

Буйруқ нусхасини олдим: _______ (имзо) _________ (сана)

**Шуҳрат ҲАЙДАРОВ**

# АЙБДОР КИМ?

Барно уйида қайноғаси билан гап талашиб қолди. Ҳамма гап қариндошлариникига тўйга боришдан бошланди. Қайнонаси билан бирга ҳаммалари қайноғаси Шуҳратнинг машинасида тўйга кетишадиган бўлди. Аммо йўлга чиқишаётганда Шуҳрат алланимани баҳона қилиб, Барнони уйда ташлаб кетди. Аслида бунга чамаси икки кун бурун икковининг ўртасида бўлиб ўтган жанжал саба бўлди. Шавкат ва Барно онаси билан бирга, Шуҳрат эса ўз оиласи билан қўшни уйда яшар эди.

Рўза ойи арафасида қайнона келинларига уйда мой тугаганини айтиб, ўғилларининг эсига солишни укдирди. Унинг бу гапини Барно шундоққина қўшни турадиган қайноғаси Шуҳратга айтди.

— Ҳамма нарсани мен олиб келавераманми, акам-чи, акам нима қиляпти, — деди Шуҳрат бирдан жазаваси тутиб.

— Ҳа, акангизнинг нима олиб келаётганини кўрмаяпсизми? — деди Барно ҳам унга жавобан.

Ҳамма дилхиралик шундан бошланди. Бундан онаси ҳам хафа бўлди. Лекин эркак кишининг шу бир оғиз гапга аччиқ қилиб, ҳамма билан бирга тўйга бораман деб, ясан-тусан қилиб ўтирган келинойисини атай ташлаб кетиши Барнога жуда оғир ботди. У бутун аламини эрига тўкиб солди. Укаси унинг қадр-қимматини бошқа қариндошлар олдида ер билан яксон қилганини айтиб, йиғлади.

Шундан сўнг тўйдан қайтган Шуҳрат билан акаси Шавкат ўртасида жанжал бошланди. Акасининг эътирозларини Шуҳрат бир чақага олмади.

— Сен ҳали хотинингнинг тарафини оляпсанми?

— Мени ҳурмат қилсанг, уни ҳам ҳурмат қилишинг керак.

— Э-э, бунақа сиркаси сув кўтармайдиган хотин ҳурмат-иззатга лойиқ эмас...

— Тилим бор деб ҳар нарсани гапираверасанми...

Акасининг бу гаплари Шуҳратга зиғирча бўлса-да, таъсир қилмади. Аксинча, у баттар ҳаддидан ошиб кетди, юзинг-кўзинг демай акасининг хотинини уйдан ҳайдаб солди. Бундан қаттиқ хафа бўлган Барно тўғри онасининг уйига йўл олди.

Онасининг уйида унинг кўзидаги ёшни кўриб, укаси Отабекнинг кўзи ёниб, мушти тугилди:

— Мен сизни хафа қиладиганларга кўрсатиб қўяман...

У машинасига ўтирди-ю, уни учириб ҳайдаб Шуҳратнинг олдига келди.

— Сен нега ҳадеб жанжал қилиб опам билан поччамни уриштираверасан, — деди у.

— Бекор айтибсан, опангни ўзи мени акам билан уриштириб қўйяпти...

— Ҳой бола, қадамингни билиб бос, агар опамни тағин хафа қилсанг, турмушига аралашаверсанг, бошқача гаплашиб қўяман...

— Қўлингдан нима келади, агар опанг яна уйимизга қайтиб келиб, биз билан яшаса, акам йўғида уни шундай қиламанки, ўзи номусига чидолмай, уйимиздан чиқиб кетади, — деди Шуҳрат. Сўнг ғазабга тўлиб Отабекка мушт ҳам ўқталди.

Бу гапларни-ю муштни кутмаган Отабекнинг кўз олди қоронғилашди. Чўнтагидаги пичоқчани чиқариб, Шуҳратнинг биқинига қандай санчиб олганини, ўзи ҳам сезмай қолди. У Шуҳрат "иҳ" деб ерга йиқилганидагина кўзи ярқ этиб очилди. Шундан сўнг уни машинасига ётқизиб, тез тиббий ёрдамга олиб борди. Афсуски, Шуҳратга тиббий ёрдам кор қилмади — пичоқ зарбидан ёш йигит жон таслим қилган эди.

Отабекнинг қизиққонлиги, опасини "ҳимоя" қилиши ўзига қимматга тушди. У суд ҳукми билан умрининг гуллаган қисмини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Шу ўринда киши кўнглида шундай мулоҳаза туғилади. Шуҳрат аслида майда-чуйда гапларнинг қурбони бўлмадимикин?! Наҳотки, бу келишмовчиликларни яхши гап билан ҳал этса бўлмасди?! Энди Барно эри ва қайнонасининг юзига қандай қарайди? Онасининг уйига ўз уйидаги гапни кўтариб бормаса, бўлмасмиди?!

Mushohada

Шавкат-чи?! Наҳотки, у хотини ва укасини яхши гап билан муросага келтириш қўлидан қўлидан келмади?!

Яхшими, ёмонми — барибир фарзанд онага азиз. Энди бир ўғли доғида куйиб-ёниб турган онага нима дейиш мумкин? Аслида фарзандларининг бошини қовуштириш, уларни муросага келтириш онасининг асосий вазифаси эмасмиди? Энди унга келин тутиш сабоқларидан дарс ўтайликми? Оилада ўзаро ҳурмат, тенглик, ака-укалар ўртасида меҳр-оқибатни қандай йўлга қўйишни ўргатиш учун муаллим ёллаш керакми?

Бу воқеа ўзанида бир қарашда ҳеч кимнинг айби йўқдай, бир қарашда ҳамма айбдордай туюлади. Бизнинг назаримизда, энг катта айб ва айбдор бу онгимиздаги турли хил ллатларнинг ҳануз яшаб келаётгани эмасмикин?!

Азиз газетхон, сизнингча, айб кимда?

**Авазбек ҲОТАМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти жамоаси Департаментнинг бош мутахассиси Аллаберган Ҳаитовга отаси**

***ЭЛТАЗАР** отанинг*

**вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Пўлат САМАТОВ, Ислом ҲАМРО, Мавжуда РАЖАБОВА, Холли НОРБОЙ, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6